

Апелляция инстанциясида  
маърузачи судья Т.Турдымуратов

Биринчи инстанция судининг  
судьяси З.Якубов

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

А Ж Р И М И №1-2303-2001/1

2021 йил 18 февраль

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг  
судлов ҳайъати, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи – судья А.Абдикаримов,

хайъат аъзолари - судьялар А.Бекманов ва Т.Турдымуратов,

судья катта ёрдамчиси Г.Утепбергеновнинг котибалигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори  
Т.Бекмуратов,

жабрланувчи [REDACTED],

судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат

М.Бабаназаровнинг иштирокларида,

жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2020 йил 21 январдаги  
хукми устидан Беруний туман прокурори томонидан билдирилган протестига  
асосан, жиноят ишини очиқ суд мажлисида, апелляция тартибда кўриб  
чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукми билан: [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддаси 2-қисмининг  
“а,в” бандлари билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач, унга қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт  
чораси бекор қилиниши белгиланган.

Жабрланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] етказилган  
моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплангани ҳисобга олинган.

Суд ҳукмига кўра: [REDACTED] 2019 йил 8 октябрь соат 16:00 лар  
атрофида спиртли ичимлик ичган маст ҳолатида Беруний тумани [REDACTED]  
[REDACTED] овул фуқаролар йиғинида яшовчи, 01.07.1964 йилда туғилган  
[REDACTED] яшаш уйига ўзини уйи деб ўйлаб  
кириб кетиб, уй эгаси [REDACTED] уйдан чиқиши ҳақидаги  
гапларига қулоқ солмасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, уни уйдан  
ташқарига судраб олиб чиқаётганида [REDACTED] ўнг кўлини  
қайириб юбориши натижасида синдириб қўйиб, баданининг турли жойларига  
кўллари ва оёқлари билан уриб-тепиб, унга қасддан шикаст етказганликда;

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом

эттириб, 2019 йил 8 октябрь соат 16:00 лар атрофида спиртли ичимлик ичган маст ҳолатида [REDACTED] яшаш уйи олдида уни ёқасидан ўнг кўли билан ушлаб, чап кўли билан юзига уриб, оёқлари билан оёғига тегиб турганида уларни ажратиш мақсадида келган, ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган кўшниси, 15.02.1960 йилда [REDACTED] ҳам кўллари билан юзларига уриб юбориб, унинг чап бел соҳасига оёғи билан тегиб, унга қасддан шикаст етказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Тайинланган суд тиббий экспертизасининг 2019 йил 16 октябрь кунги 775-сонли эксперт хулосасига кўра, [REDACTED] соғлигининг узок муддатга бузилишига олиб келадиган “ўрта” оғир даражадаги тан-жароҳати олганлиги;

Тайинланган суд тиббий экспертизасининг 2019 йил 16 октябрь кунги 777-сонли эксперт хулосасига кўра, [REDACTED] соғлигини узок муддатга бузилишига олиб келадиган “ўрта” даражадаги оғир тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Беруний туман прокурори томонидан билдирилган протестда, биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] ҳаракатлари нотўғри талқин қилинган бўлиб, аслида ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан квалификация қилиниши лозимлигини, чунки [REDACTED] спиртли ичимлик ичган маст ҳолатида [REDACTED] яшаш уйи олдида уни ёқасидан ўнг кўли билан ушлаб, чап кўли билан юзига уриб, оёқлари билан оёғига тегиб турганида уларни ажратиш мақсадида келган, ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган кўшниси [REDACTED] ҳам кўллари билан юзларига уриб юбориб, унинг чап бел соҳасига оёғи билан тегиб, унга қасддан шикаст етказганлигини, мазкур ҳолатда жамоат тартиби кўпол тарзда бузилиши деб баҳоланиши лозимлигини, шу сабабли суд ҳукмига [REDACTED] ҳаракатларини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларидан ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандига қайта квалификация қилиш тўғрисида ўзгартириш киритиш сўралган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, прокурорнинг протестни қаноатлантириш, ҳимоячи адвокатнинг суд ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини, судланувчининг сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоят важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан протестни қаноатлантирган ҳолда суд ҳукмига қуйидагича ўзгартириш киритишни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, далилларга тўғри баҳо бериб, иш бўйича ҳақиқат аниқланган.

Судланувчининг айби ўз айбини тўлиқ тан олган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] ҳамда вояга етмаган гувоҳ [REDACTED] кўрсатувлари;

Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги 2019 йил 10 октябрь кунги баённомаси ва унга илова қилинган чизмаси;

жабрланувчи [REDACTED] нисбатан тайинланган суд-тиббий экспертизасининг 775-сонли 2019 йил 16 октябрь кунги эксперт хулосаси;

жабрланувчи [REDACTED] нисбатан тайинланган суд-тиббий экспертизасининг 777-сонли 2019 йил 16 октябрь кунги эксперт хулосаси;

жабрланувчи [REDACTED] кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги 2019 йил 20 декабрь кунги баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;

жабрланувчи [REDACTED] кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги 2019 йил 20 декабрь кунги баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;

жабрланувчи [REDACTED] билан гумон қилинувчи [REDACTED] ўртасида ўтказилган юзлаштириш ҳақидаги 2019 йил 21 декабрь кунги баённомаси;

жабрланувчи [REDACTED] билан гумон қилинувчи [REDACTED] ўртасида ўтказилган юзлаштириш ҳақидаги 2019 йил 21 декабрь кунги баённомаси ҳамда иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Аммо, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда [REDACTED] нинг яшаш уйи олдида уни ёқасидан ўнг қўли билан ушлаб, чап қўли билан юзига уриб, оёқлари билан оёғига тепиб турганида уларни ажратиш мақсадида келган қўшниси [REDACTED] ҳам қўллари билан юзларига уриб юбориб, унинг чап бел соҳасига оёғи билан тепиб, унга қасддан шикаст етказган, яъни безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган шахсга қаршилик кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарорининг 1-бандида “Безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши, қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун юқорида кўрсатилган оқибатларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлиши талаб этилмаслиги;

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) кўпол тарзда бузиш тушунилиши, жамоат тартиби кўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси 1-қисми диспозициясида назарда тутилган

ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланиши, қонун мазмунига кўра айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозимлиги, бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлиги, сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши лозимлиги” ҳақида тушунтиришларга амал қилинмаган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [REDACTED] спиртли ичимлик ичган маст ҳолатида ўзга шахснинг уйига, уй эгасининг рўксатисиз ноқонуний тарзда кириб, уй эгасининг уйдан чиқиши ҳақидаги гапларига қулоқ солмасдан, унга фаол қаршилик кўрсатиб, уни уйдан ташқарига судраб олиб чиқаётганида уй эгасининг баданининг турли жойларига қўллари ва оёқлари билан уриб-тепиб, унга қасддан шикаст етказган.

Мазкур ҳолатда судланувчи [REDACTED] ҳаракатларида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини қўпол тарзда бузиш каби безорилик жинояти аломатлари мавжуд.

Шу сабабли судлов ҳайъти судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси билан квалификация қилиниши лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарорининг 10-бандида “Безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш (тўхтатиш) чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан, уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўлиқ қамраб олинмиши ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги” ҳақида тушунтиришларга амал қилинмаган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] спиртли ичимлик ичган маст ҳолатида [REDACTED] яшаш уйи олдида уни ёқасидан ўнг қўли билан ушлаб, чап қўли билан юзига уриб, оёқлари билан оёғига тепиб турганида уларни ажратиш мақсадида келган қўшнисини [REDACTED] ҳам қўллари билан юзларига уриб юбориб, унинг чап бел соҳасига оёғи билан тепиб, унга қасддан шикаст етказган.

Мазкур ҳолатда судланувчи [REDACTED] ҳаракатларида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини қўпол тарзда бузаётганида, унинг безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган ҳолда ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш каби жиноят аломатлари мавжуд.

Шу сабабли судлов ҳайъти судланувчи [REDACTED] ҳаракатларини ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларидан ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандига қайта квалификация қилиниши лозим

деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиги, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдоридан ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги) билан белгиланиши кўрсатилган.

Судлов ҳайъти, судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан жазо тайинлашда, унинг ўз айбига тўлиқ иқроп бўлгани, чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий ва моддий аҳволи, муқаддам судланмаганлиги, жиноят натижасида жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, жабрланувчиларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни маст ҳолатда ва ғаразли ниятларда содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин деган қатъий хулосага келиб, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>34</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди томонидан 2020 йил 21 январдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукм қуйидагича ўзгартирилсин:

Судланувчи [REDACTED] айби ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларидан ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” бандига қайта квалификация қилинсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташи давом эттирилсин ва ҳуқими билан белгиланган жиноят

ишлари бўйича Беруний туман суди томонидан 2020 йил 21 январдаги чекловлар аслинча қолдирилсин.

Ҳукмнинг бошқа қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Протест тўлиқ қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

А.Абдикаримов

Ҳайъат судьялари

А.Бекманов

Т.Турдымуратов

Ажрим нусхаси аслига тўғри Т.Турдымуратов